

ЯГОНА ТҮСИҚЛАР ЙЎЛАГИДА МАШҚЛАРНИ БАЖАРИШ ҚОИДАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Хушвақтов Шариф Адилович

*Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи чақириқчача
тайёргарлик фани ўқитувчиси.*

Аннотация: Уибу мақола “Темурбеклар мактаби” ва “Ёши чегарачилар” ҳарбий-академик лицейларида ягона түсиқлар йўлаги мажмуаларидан ўтишини ўқувчиларга ўргатиш учун ўрнатилган түсиқлар мажмуаларидан ўтишини ўргатиш кетмакетлигига амал қилган ҳолда ўргатиш яхши натижса бериши ва тез ва аниқ ўрганишларида хизмат қиласди.

Калит сўзлар: түсиқ, зинапоя, кўприк, траншея, қудуқ, окоп, туйнук.

Ёшларни ҳарбийлик касбига йўналтиришнинг энг асосий бўлими Чакиравга қадар бошланғич тайёргарлик фанини хисобланади.

“Чакиравга қадар бошланғич тайёргарлик” чакиравгача ҳамда чакирав ёшида бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишга тайёрлашнинг таркибий қисми бўлиб мажбурий ўкув фани хисобланади.

Ёшларга ҳарбий таълим беришда уларга ҳарбий қисмларнинг жанговар ўкув фаолиятида бажариладиган машқлар, ҳаракатлар ва амалларни ҳарбий қисмлардаги қўшинларнинг жанговар ўкув фаолиятларига мумкин қадар яқинлаштирилган ҳолда ўргатиш кўзда тутилади.

Ўкувчиларда юқори ахлоқий-рухий сифатларни ҳамда эстетик ва гигиеник маданиятни шакллантиради. Танани соғломлаштириш ва чиниқтиришга доир мажмуавий машқларни ўргатади.

Ягона түсиқлар йўлагидан ўтиш машқи универсал машқлар жамламаси бўлиб ўкувчилар, ўсмирлар ва ҳарбий хизматчининг түсиқлардан ўтиш қибилиятини ҳамда унинг чидамлилигини ошириш учун хизмат қиласди ҳамда даражасини қўрсатади.

Ягона түсиқлар йўлагидан ўтиш юзасудан ўкув машғулотлари ўкувчиларда табиий ва суний түсиқлардан ўтиш кўнилмаларини шакллантириш, махсус усул ва ҳаракатларни бажариш, гранаталарни аниқлик билан улоқтириш, чақонлик ва чидамлиликни гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда олдинда турган жисмоний қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтиш, ўзига ишонч ва жасурлик сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Осилиб чиқиш ёки ошиб ўтиш усули баланд девор ва түсиқлардан ўтишда қўлланилади.

Ушбу мажмуада шуғуланиш ўкувчиларни мураккаблиги ва элементларга бойлиги билан қизиқтиради ва жисмоний имкониятларини оширади.

Ўкувчилар ушбу мажмуа элементларини ўрганишлари учун бошқа маҳаллий элементлар камлиги ҳамда ҳаёт фаолиятида шуғуланиш учун шароитлар йўқлигини хисобга олсак ўкувчилар фақатгина махсус тайёрланган элементларда шуғулланган ҳолда ўрганишлари мумкин.

Ушбу мажмуа элементлари ўқувчиларга чаққонликни, тезликни, чидамлиликни, иродалиликни, матонатлиликни ўргатади. Ундан ташқари тез фикрлашни, қўркувни енгиб ўтишни, кучни тақсимлаш каби ҳислатларни ривожлантиради. Ўқувчининг ўзига бўлган ишончини оширади.

“Ягона тўсиқлар йўлагидан ўтиш” йўлаги аскарнинг жанг майдонида ҳаракатланиши учун зарур бўлган куч, чидамлилик, тезкорлик, чаққонлик, эгилувчанлик каби жисмоний сифатларни ҳамда довюраклик, бардошлилик, қатъиятлилик, мақсадга ва ғалабага интилувчанлик каби иродавий сифатларни тарбиялади.

Ушбу фаннинг “Ягона тўсиқлар йўлагидан ўтиш” мавзусини ўргатиш учун қўйидаги кетма-кетликда амал қилиниши керак:

- Тўсиқлар йўлаги элеменлари ва ошиб ўтиш тартиби билан таништириш.
- Алоҳида тўсиқларни ҳар биридан алоҳида ўтиш усулларини машқ қилдириш.
- Тўсиқлар йўлагидаги алоҳида тўсиқ ва тўсиқлар мажмуасидан ўтишни ўргатиш.
- Эгалланган кўникмаларни такомиллаштириш.

Ягона тўсиқлар йўлагида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2020 йил “7” майдаги 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган қўлланмасида қўйидаги элеменлар ўрнатилган.



Йўлак элементлари:

- 1- йўлакнинг бошланиш чизиги;
- 2- йўлакнинг тез югуриладиган 20 метрли қисми;
- 3- ер сатҳидаги эни 2; 2,5; 3 м, чуқурлиги 1 м келадиган ҳандак;
- 4- узунлиги 6 м, эни 2 м, бўйи 1,1 м келадиган лабиринт. Ушбу лабиринт ҳар бирининг эни 0,5 м келадиган 10 та йўлақдан иборат;
- 5- бўйи 2 м, қалинлиги 0,25 м келадиган девор. Ушбу деворга узунлиги 3,2 м, эни 0,25-0,30 м келадиган тахта қия тираб ўрнатилган;
- 6- бўйи 2 м келадиган вайрон бўлган қўприк. Ушбу қўприк, ҳар бири 0,2x0,2 м келадиган учта тўсиндан ташкил топган. Жумладан: биринчи тўсин – узунлиги 2 м; иккинчи тўсин – узунлиги 3,8 м келадиган, 135 градус бурчак ҳосил қилган букик жойга эга (тўсиннинг букилган жойига қадар узунлиги 1 м); учинчи тўсин – узунлиги 3,8 м келадиган, 135 градус бурчак ҳосил қилган букик жойга эга (тўсиннинг букилган жойига қадар узунлиги 2,8 м); тўсинлар орасидаги оралиқ масофа (қўприкнинг узилган қисми) 1 м. Иккинчи ва учинчи тўсиннинг бошланиш қисмiga уч поғонали нарвон ўрнатилган;
- 7- эни 2 м келадиган вайрон бўлган тўрт поғонали зинапоя. Ушбу зинапоя поғоналарининг баландлиги 0,8; 1,2; 1,5; 1,8 м. Поғоналар орасидаги масофа 1,2 м. Зинапоянинг энг баланд поғонасига узунлиги 2,3 м келадиган, тўрт поғонали нарвон қия ўрнатилган;

8- бўйи 1,1 м, эни 2,6 м, қалинлиги 0,4 м келадиган девор. Ушбу деворда иккита туйнук очилган. Пастки туйнукнинг ўлчами $1 \times 0,4$ м бўлиб, асоси ер сатхи билан баробар. Устки туйнукнинг ўлчами $0,5 \times 0,6$ м бўлиб, асоси ер сатхидан 0,35 м баландликда. Деворга туташган майдон ўлчами $1 \times 2,6$ м;

9- қудуқ ва юриш йўлаги. Қудуқ чукурлиги 1,5 м, ер сатҳидаги ўлчами 1×1 м. Қудуқнинг орқа деворида ўлчами $1 \times 0,5$ келадиган туйнук мавжуд. Ушбу туйнук қудуқни чукурлиги 1,5 м, узунлиги 8 м келадиган, бурилиш жойга эга, усти ёпиқ юриш йўлагига олиб киради. Қудуқдан траншеяга қадар тўғри масофа 6 м ни ташкил этади;

10-чукурлиги 1,5 м келадиган траншея;

11- эни 2 м келадиган югуриш йўлаги.

Ягона тўсиқлар йўлагидаги элементлардан ўтиш машқи қуидаги тартибда бажарилади.

Умумий харакатланиш учун масофа – 400 метрни ташкил қиласди.

-траншея ичида тик турган ҳолатда вазни 600 грамм келадиган ўқув граната 20 метр наридаги деворга (девордаги туйнукка) ёки девор олдидаги ўлчами $1 \times 2,6$ м келадиган майдончага (гранатанинг ушбу майдонга бевосита тушиши ҳисобга олинади) улоқтирилади.

Биринчи граната нишонга тегмаса, граната улоқтириш амали нишонга теккунга қадар давом эттирилади, бироқ гранаталар сони уч донадан ошмайди (агар учала граната қам нишонга ёки белгиланган жойга тегмаса, назорат машқи ижроси учун белгиланган балллар микдори бир баллга пасайтирилади);

-траншеядан сакраб чиқилиб, тўсиқлар йўлаги бошланадиган маррага қадар 100 метр масофа югуриб ўтилган тарзда байроқча атрофидан айланиб ўтилади;

-эни 2,5 метр келадиган хандак устидан сакраб ўтилади;

-лабиринт йўлаклари бўйлаб югуриб, девордан ошиб ўтилади;

-вертикал тушган нарвондан вайрон бўлган кўприкнинг иккинчи (эгилган) тўсини устига чиқилади;

-тўсинлар бўйлаб, узилган қисмларидан сакраб ўтган тарзда югуриб ўтилади ва сўнгти тўсин учидан тик турган ҳолатга ерга сакраб тушилади;

-вайрон бўлган зинапоянинг учта поғонаси енгиб ўтилади. Бунда, зинапоя поғоналари орасидаги ерга иккала оёқ билан тегиб тушиш мажбурий саналиб, тўртинчи поғонанинг остидан ўтилади;

-девордаги туйнук орқали ўтиб, траншея ичига сакраб тушилади ва юриш йўлаги бўйлаб юриб ўтилади;

-қудуқ ичидан ташқарига отилиб чиқилади;

-сакраганча, девордан ошиб ўтилади;

-нишоб зина бўйлаб тўртинчи поғонага қадар югуриб чиқилиб, вайрон бўлган зинапоя поғоналари бўйлаб пастга югуриб тушилади;

-вертикал тушган нарвондан вайрон бўлган кўприк тўсинига чиқилади;

-тўсинлар бўйлаб, узилган қисмларидан сакраб ўтган тарзда югуриб ўтилади ва нишоб тахта устидан юргурганча пастга тушилади;

-эни 2 метр келадиган хандак устидан сакраб ўтилади;

-20 метр масофа югуриб ўтилган тарзда байроқча айланиб ўтилади;

-Йўлак бўйлаб 100 метр масофа ортки йўналишда югуриб ўтилади;

Кейинчалик ушбу машқ бўйича кўникмаларини такомиллаштириш ишлари амалга оширилади.

Шундай экан ҳар бир ўқув муассасаларда ягона тўсиқлар йўлаги ташкил этилиши ва ушбу мажмуада 10-11 синф ўқувчилари шуғулланишлари шарт деб ўйлайман.